

---

## СПОРТНИ СЕВ, СПОРТ БИЛАН ЯША!

Спортни тарғиб этиш учун алоҳида амал ёхуд реклама керак эмас. Бугун барча ёшдаги фуқароларимиз ушбу соҳага қизиқишлари ортган ва буни улар томонидан амалга оширилаётган ишлардан ҳам кўришимиз мумкин. Бизнинг туманимизда ҳам "Кексалар ҳафталиги" доирасида турли спорт тадбирлари ташкил этилиб, ўтказилди.

Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддиларининг бизга берган маълумотларига кўра, туманнинг барча ҳудудларида нуронийлар иштирокида турли спорт тадбирлари бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад спортни оммалаштириш ва уни тарғиб этишдан иборат.

Ровон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ нуроний отахон ва кексаларнинг фаъол иштирокида маҳалла раиси бошчилигида, ҳудудда жойлашган 2-сонли спорт мактабида кексаларни спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида "Спортни сев спорт билан яша" шиори остида спортнинг турли йўналишлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2022-10-11 10:08:23